

Аллоҳ Набий алайҳиссаломни Ўзи поклади



15:55 / 16.06.2021 2453

Албатта, Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Ўзи поклаб, Қуръони Каримда у кишини таърифлаб, қуйидаги оятларни нозил қилди.

– У зотнинг ақлу зеҳнларини поклади: «**...Сизларнинг соҳибингиз** (яъни, Муҳаммад алайҳиссалом) **залолатга ҳам кетгани йўқ, йўлдан ҳам озгани йўқ**». (Нажм сураси, 2-оят).

– У зотнинг кўзларини поклади: «(Пайғамбарнинг) **кўзи** (ўнгу сўлга) **оғгани ҳам йўқ, ўз ҳаддидан ошгани ҳам йўқ**». (Нажм сураси, 17-оят).

– У зотнинг қалбларини поклади: «(Пайғамбарнинг) **кўнгли кўрган нарчасини инкор этмади**». (Нажм сураси, 11-оят).

- У зотнинг кўксиларини поклади: «(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), **Биз Сизнинг қалбингизни** (иймон ва Қуръон нури билан) **кенг-мунаввар қилиб қўймадикми?**» (*Шарҳ сураси, 1-оят*).
- У зотнинг зикрларини поклади: «**Ва Биз сизнинг зикрингизни** (яъни, мартабангизни) **баланд қилиб қўйдик**». (*Шарҳ сураси, 4-оят*).
- У зотнинг елкаларини поклади: «**Ва Биз Сиздан елкангизни эзиб турган оғир юкингизни олиб қўйдик**». (*Шарҳ сураси, 2-оят*).
- У зотнинг таълимларини поклади: «**Унга** (бу ваҳийни) **бир кучга тўлган, соҳиби қудрат** (яъни, Жаброил алайҳиссалом) **таълим бермишдир**». (*Нажм сураси, 5-оят*).
- У зотнинг сидқ-садоқатларини поклади: «**Ва у** (сизларга келтираётган Қуръонни) **ўз ҳавойи-хоҳиши билан сўзламас**» (*Нажм сураси, 3-оят*).
- У зотнинг ҳилмларини поклади: «**...Барча мўъминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган бир пайғамбар келди-ку!**» (*Тавба сураси, 128-оят*).
- У зотнинг бутунлай поклади: «**Албатта Сиз улуг Ҳулқ устидадирсиз**». (*Қалам сураси, 4-оят*).

Манба: arabic.uz